

Мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш буйича

№ 2-сонли

ШАРТНОМА

« 09 » октябрь 2022 йил

Косонсой ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи Косонсой туман 45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси номидан низом асосида иш кўрувчи О.Абдурахимов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Ориф қурилиш силвер» МЧЖ номидан низом асосида иш кўрувчи А.Мамадалиев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Косонсой туман 45-сонли махсус мактаб интернатнинг ёнгинага қарши сув захира ховузини мукаммал таъмирлаш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса пудратчига шартномага мувофиқ объектларни мукаммал таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

4. Шартномани амалга оширишда ва объект ишларини топширилишида коррупция ҳолати кузатилса, ҳар икки томон ҳам шартномани тухтатиб туришга ҳақли ҳисобланади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарактни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойҳа смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тула муносабат билан қушимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

1. Шартноманинг умумий суммаси 118 000 000,00 (Бир юз ун саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

2. Шартнома суммасидан 30% олдиндан тўлов амалга оширилади. Қолган 70% маблаг таъмирлаш ишлари бажарилгандан сунг утказиб берилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини 30% олдиндан тулов амалга оширилганидан сунг бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. КАФОЛАТЛАР

1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқхажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

2. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V бўлимида назарда тутилган мажбуриятлар пудратчининг бажарилмаган қисмига нисбатан амалга оширмаслик ҳуқуқига эга.

3. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектуручилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича судга муурожаат қилишини истисно этмайди.

VII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдориде пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи ва Пудратчи томонидан шартнома шартлари бўйича юклатилган мажбуриятлар бажарилмасе мажбуриятлар бажарилмаган ишлар қийматини кунига 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

4. Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишларга уз вақтида молиялаштиришга маъсул, ҳамда жавобгардир.

VIII. Низоларни хал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмасе улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судорганлари томонидан қўриб чиқилади.

2. Пудратчи томонидан белгиланган тартибда бажарилган ишга буюртмачи томонидан уз вақтида молиялаштирилмасе улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хал этилади.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этсе, томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўп вақтга чўзилса у ҳолда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

X. Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадавлига риоё этилмаганда,

2. Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда,

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддарга тухтатиб қуйилганда,

4. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тухтатиб қуйилганда, қонун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоидаcига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6.Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида тугилган ҳоллар бундан мустасно..

XI.Алоҳида шартлар

1.Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

2.Мазкуршартномаданазардатутилмаганбошқабарчаҳолларучунамалдагиқонуннормалари қўлланилади.

3.Мазкуршартномабир хил юридикқучгаэга булган 2 нұсхадатузилди.

4.Шартнома Газначилик булинмасидан рұхатдан утгандан сунг қучга қиради ва амал қилиш муддати 31- декабр 2022 йилгача.

5.Хўжалик юритувчи субектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупсияга қарши қўшимча шартлар белгиланади.

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли булади


Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«Пудратчи»	«Буюртмачи»
«Ориф қурилиш силвер» МЧЖ	Косонсой туман 45-сонли ИЧБУИДТМ
Пудратчининг номи	(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Косонсой туман Мовароуннахр мфй х/р 20208000005192669001	Манзил: Косонсой туман Обод мфй Ш/хв: 100021860142077092400075003
Банк номи : Миллий банк Наманган филиали МФО: 00222 СТИР: 307211665	Банк номи Марказий банк Тошкент ш ББ ХККМ МФО: 00014 СТИР:200059989 ОКОНХ:97600
	Газначилик булинмаси номи: Молия Вазирлиги Газначилиги Газна х/в:23402000300100001010
	Банкнинг номи Марказий банк Тошкент МФО:00014 Газначилик булинмаси СТИР: 201122919
Рахбар  А.Мамадалиев (имзо)	Рахбар  А.Абдурахимов (имзо)

Юрист Н. Сатиев. 

"TASDIQLAYMAN"
KOSONSOY TUMAN 45-SONLI
IMKONIYATI CHEKLANGAN BOLALAR
UCHUN IXTISOSLASHTIRILGAN DTM

direktorini:



O. Abdurakhimov

2022 й. "25" ИЮН

Loyiha hujjatlarini (IL) ishlab chiqish uchun
TOPSHIRIQ

T/r	Asosiy ma'lumotlar va talablar nomi	Asosiy ma'lumotlar va talablar mazmuni
1	Obektning nomi	Namangan viloyati Kosonsoy tumanidagi 45-sonli imkoniyati cheklangan bolalar uchun DTM mukammal ta'mirlash
2	Qurilish manzili	Namangan viloyati Kosonsoy tumani Obod MFY
3	Ishlab chiqish uchun asoslar	O'zbekiston Respublikasi Xalq deputatlari Namangan viloyati Kengashining 2022 yil 22 apreldagi VI-31-40-6-0/22-sonli qarori.
4	Buyurtmachi	Kosonsoy tumanidagi 45 sonli imkoniyati cheklangan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan DTM
5	Loyiha tashkiloti – bosh loyihachi nomi	MEGA ART PROEKT MCHJ
6	Podrat tashkiloti	Xarid tartib taomillari asosida aniqlanadi
7	Qurilish va qayta qurish ishlarini taxminiy muddati	2022 yil
8	Qurilishni taxminiy bahosi mln.so'm	118 022 964 sum
9	loyiha bosqichi	Ishchi loyiha
10	Qurilish turi	Mukammal ta'mirlash
11	Moliyalashtirish manbai	byudjeti mablag'lari
12	Asosiy talablar	Asosiy oquv binosi bo'yicha: 1) 100 m3 li yong'inga qarshi hovuz qurush loyihasi 2) Hovuzgacha suv ta'minoti 190 pm


Ishlab chiquvchi: Kosonsoy tumanidagi 45-sonli imkoniyati cheklangan bolalar uchun DTM хужалик ишлар мудірі:



K. Dadaboev

Kelishildi:

MEGA ART PROEKT MCHJ
direktori:



R. Hamraev

"КЕЛИШИЛДИ"



Наманган вилоят молия бош бошкармаси

Бошлиги З.Бахриддинов

02.06.2022 й.и.л.



"ТАСДИКЛАЙМАН"

Косонсой туман хокими

Д.Кодиров

02.06.2022 й.и.л.

Косонсой туман 45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси капитал таъмирлаш учун бажариладиган ишлар

МАНЗИЛЛИ РУЙХАТИ

Т/Р	Муассаса номи	Манзили	Бажарилиши зарур булган иш	Талаб этиладиган маблаг	Шу жумладан			
					Вилоят хокимининг захира жамгарма маблагларидан	2022 йил маҳаллий бюджетнинг иқтисод килинган маблаглар хисобидан	2022 йил вилоят бюджетининг даромадлар режасини ортириб бажарилган қисмидан	Вилоят бюджетнинг иқтисод килинган маблаглар хисобидан
		Жами :		120 000,00	0,0	0,0	0,0	120 000,00
1	45-сонли ИЧБУИДТМ	Косонсой туман обод мфй	Капитал таъмир	120 000,00	0,0	0,0	0,0	120 000,00

Наманган вилоят халқ таълими бошкармаси таълим муассасаларини ривожлантириш бўлими :



Косонсой туман 45-сонли ИЧБУИДТМ раҳбари :



Ф.Асрақулов

Ф.Асрақулов

О.Абдурахимов

"ТАСДИКЛАЙМАН"

КОСОНСОЙ ТУМАН 45-СОНЛИ
ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР
УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДТМ
ДИРЕКТОРИ



О.АБДУРАХИМОВ

2022 г

НУКСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ
КОСОНСОЙ ТУМАН 45-СОНЛИ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДТМ НИ
МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ УЧУН

Бизлар ким куйида имзо чекиб далолатнома тузувчилар Косонсой туманидаги 45 сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ДТМ бош хисобчиси А.Кадиров, уқитувчи Х.Жабборов, тарбиячи О.Жалолова, хужалик ишлар мудир К.Дадабоев, омборчи И. Ахуновлар

шу ҳақдаким Косонсой туманидаги 45 сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ДТМ ни мукаммал таъмирлаш учун ҳолатини урганиб чиқилди ва куйидаги таъмирлаш ишларини бажариш лозимлиги аниқланди.

№№	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	КОП-ВО
1	3	4	5
РЕЗЕРВУАР ВОДЫ НА 100М3			
УМУМКУРИЛИШ ИШЛАРИ			
ЗЕМЛЯНЫЕ РАБОТЫ			
2	РАЗРАБОТКА ГРУНТА В ОТВАЛ ЭКСКАВАТОРАМИ "ДРАГЛАЙН" ИЛИ "ОБРАТНАЯ ЛОПАТА" С КОВШОМ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,65 [0,5-1] М3, ГРУППА ГРУНТОВ 1	1000М3	0,3325
3	РАЗРАБОТКА ГРУНТА ВРУЧНУЮ В ТРАНШЕЯХ ГЛУБИНОЙ ДО 2 М БЕЗ КРЕПЛЕНИЙ С ОТКОСАМИ, ГРУППА ГРУНТОВ 1	100М3	0,3325
4	РАЗРАБОТКА ГРУНТА С ПОГРУЗКОЙ НА АВТОМОБИЛИ-САМОСВАЛЫ ЭКСКАВАТОРАМИ С КОВШОМ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,65 [0,5-1] М3, ГРУППА ГРУНТОВ 2	1000М3	0,2491
5	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЕМ НА 1 КМ, КЛАСС ГРУЗА 1	Т	398,56
6	ЗАСЫПКА ТРАНШЕЙ И КОТЛОВАНОВ С ПЕРЕМЕЩЕНИЕМ ГРУНТА ДО 5 М БУЛЬДОЗЕРАМИ МОЩНОСТЬЮ 59 [80] КВТ (Л.С.), 1 ГРУППА ГРУНТОВ	1000М3	0,0835
7	УПЛОТНЕНИЕ ГРУНТА ПНЕВМАТИЧЕСКИМИ ТРАМБОВКАМИ, ГРУППА ГРУНТОВ 1, 2	100М3	0,835
6	ПОЛИВ ВОДОЙ УПЛОТНЯЕМОГО ГРУНТА НАСЫПЕЙ	1000М3	0,0635
ФУНДАМЕНТЫ			
9	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИИ ШЕБЕНОЧНЫХ С ПРОПИТКОЙ БИТУМОМ	100М2	0,6257
10	УСТРОЙСТВО БЕТОННОЙ ПОДГОТОВКИ	100М3	0,06257
11	ИЗГОТОВЛЕНИЕ ПЛОСКИХ И ОБЪЕМНЫХ АРМАТУРНЫХ КАРКАСОВ МЕТОДОМ ВЯЗКИ НА ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ ПОВЕРХНОСТЯХ	Т	2,2922
13	УСТРОЙСТВО ПЛОСКИХ ДНИЩ ПРИ ТОЛЩИНЕ БОЛЕЕ 150 ММ ПРЯМОУГОЛЬНЫХ СООРУЖЕНИЙ	100М3	0,1484
14	УСТРОЙСТВО СТЕН ПРИ ТОЛЩИНЕ БОЛЕЕ 150 ММ ПРЯМОУГОЛЬНЫХ СООРУЖЕНИЙ	100М3	0,1552
ПОКРЫТИЕ			
15	УСТАНОВКА ПАНЕЛЕЙ ПЕРЕКРЫТИЙ С ОПИРАНИЕМ НА ДВЕ СТОРОНЫ ПЛОЩАДЬЮ ДО 10 М2	100ШТ	0,06



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ORIF QURILISH SILVER" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakil ko'rsatilgan hoidagi to'liq nomi)

"ORIF QURILISH SILVER" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

09.03.2020

825346

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

307211665

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Kosonsoy tumani, Kosonsoy, Movarounnaxr MFY.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Kosonsoy tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

